



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

---

**БУЙРУК**

2019 йил “5” *Март*

№ *01-176*

Тошкент ш.

**“Инновацион ғоялар етакчиси”  
кўкрак нишони учун танлов  
ўтказилиши тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 4 февралдаги 08/1-438-сонли топшириғи, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 786-сонли қарорига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 февралдаги 87-03-590-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 4 февралдаги 08/1-438-сонли топшириғи, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 786-сонли қарорига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 февралдаги 87-03-590-сонли хатига биноан ёшлар ўртасида “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони учун танлов ўтказилиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Институтда “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони билан тақдирлашга номзодлар тавсия этиш ва уларнинг ҳужжатларини ўрганиш бўйича 1-иловага мувофиқ таркибда Комиссия тузилсин.

3. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев, Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Д.Абдуллаева, факультетлар деканлари (Қ.Омонов, С.Хошимова, Ш.Усмонова, Ч.Хусанов, З.Қодиров)га:

3.1. Барча факультетлар томонидан “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишонига номзодлар тавсия этилсин ва улар ҳақидаги маълумотлар ҳамда лойиҳалари кўриб чиқиш учун 2019 йил 23 мартга қадар Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Д.Абдуллаевага тақдим этилсин.

**3.2.** Факультетлар кўкрак нишони билан тақдирлашга тавсия этган номзодлар Комиссия томонидан ўрганиб чиқилсин, институт Кенгаши қарори билан тасдиқлансин ва номзодлар ҳақидаги маълумотлар белгиланган муддатида йўлланма хати билан Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этилсин.

**3.3.** “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишонига тавсия этилаётган номзодларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 786-сонли қарорига мувофиқ тақдим этилишига факультетлар деканлари масъул этиб белгилансин.

**4. Девонхона мудири (Ш.Якубжанова)га:**

Ушбу буйруқ нусхалари ўрнатилган тартибда барча проректорлар ва факультетлар деканларига ижро учун етказилсин.

**5.** Мазкур буйруқ ижросининг назорати Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Ректор**



**А.Маннонов**

Тошкент давлат шарқшунослик  
институти ректорининг 2019 йил  
\_\_\_ мартдаги сонли буйруғига 1-илова

**Тошкент давлат шарқшунослик институтида “Инновацион ғоялар  
етакчиси” кўкрак нишони билан тақдирлашга номзодларни тавсия  
этиш бўйича комиссия таркиби**

<b>№</b>	<b>Фамилияси ва исми шарифи</b>	<b>Лавозими</b>
1.	А.Маннонов	ТДШИ ректори, Кенгаш раиси
2.	Н.Абдуллаев	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
3.	А.Воҳидов	Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор
4.	Д.Абдуллаева	Илмий тадқиқотлар, инновациялара ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи
5.	С.Умарова	Ўқув бўлими бошлиғи
6.	Қ.Омонов	Шарқ филологияси факультети декани
7.	С.Хошимова	Хитойшунослик факультети декани
8.	Ш.Усмонова	Кореяшунослик факультети декани
9.	З.Қодиров	Тарих ва фалсафа факультети декани
10.	Ч.Хусанов	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва сиёсати факультети декани
11.	Х.Кучкаров	Кадрлар бўлими бошлиғи